




Константин Петрович фон Кауфман (1818 йил 19 февраль [3 март] — 1882 йил 4 [16] май) — Россия империясининг харбий ва давлат арбоби, 1874 йилда генерал-инженер, 1864 йилда генерал-адъютант унвонларига эришган. Марказий Осиёни босиб олиш ва колонизация килишни амалга оширган. 1865—1866 йилларда Вилно генерал-губернатори бўлиб, литов тилининг лотин алифбосини таъкиклаган. Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори ва Туркистон харбий округи кўшинларининг кўмондони бўлган. Унинг даврида Кўкон хонлиги Россияга қўшиб олинган, Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги эса протекторат сифатида бўйсунлиши таъминланган.

Таржимаи хол

Кауфман Пруссиянинг Россия шохобчасига мансуб бўлган. Отаси генерал Пётр Фёдорович, укаси Михаил Кауфман — мухандис кўшинлари генерали эди. Константин Польша подшоҳлигидаги Демблинда 1818 йил 19 февраль (3 март) куни тугилган.

1836 йилда Бош мухандислик училищесини, 1838 йилда эса ундаги офицерлар курсини тамомлаган. 1843 йилда Кавказ алоҳида корпусига ўтказилган ва 1844 йилдан Кавказда хизмат килган. 1844—1852 йилларда Чеченистон ва Догистондаги тоғликларга қарши экспедицияларда, шунингдек, 1845 йилда Даргин юришида катнашган ва бўйнига яраланган. 1848 йилда капитан унвонига тайинланган ва Гергебилни штурм килишдаги жасорати учун 4-даражали Святой Георгий ордени билан мукофотланган.

Крим уруши:

Крим урушида Кавказ сапёрлари батальони кўмондони сифатида 1854 йилдаги Кюрюк-Дара жангида, 1855 йилда эса Карсни мухосара қилиш ва штурм қилишда қатнашган. Унинг асосий вазифаларидан бири турк армиясининг таслим бўлиш шартларини қилишиш бўлган.

Туркистон генерал-губернатори:

1867 йилда Кауфман Туркистон харбий округи кўмондони этиб тайинланди. Унинг фаолияти Бухоро, Хива ва Қўқонга қарши қўлаб жанговар операциялар билан қўшимча ҳудудларни империяга қўшиш билан ёдда қолган. Самарқанд (1868) ва Хивани (1873) босиб олган. 1874 йилда Қўқон хонлигини босиб олди ва у ҳудудда Фарғона вилояти ташкил этилди.

Ташкентдаги фаолияти:

Кауфман Тошкентда шаҳар думасини ва Жамоат кутубхонасини (ҳозирги Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона) ташкил қилди. Унинг ташаббуси билан 4 гимназия ва 60 та мактаб очилди, кутубхона ташкил этилди. У ерда "Туркистон тўплами" нашри чоп этилган. Хлопкорчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратди.

Вафоти ва ёдгорлиги:

Кауфман 1882 йил 4 (16) май куни вафот этди ва Тошкентда дафн этилди. Унинг қабри кейинчалик қайта жойлаштирилди ва Тошкент харбий собори деворига қўчирилди. Илк дафн қилинган жойида ёдгорлик ўрнатиш таклиф қилинган, аммо бу жой темир панжара билан ўралган ва у ерда махсус монумент ўрнатилган.

Кауфманнинг фаолияти Марказий Осиёда Россия империясининг устуворлигини таъминлашда муҳим ўрин тутган. Жуда кўп мусулмонларни ўлдирган.

Абу Муслим